

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 229 (10.534)

2005 ЙИЛ 24 НОЯБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСКА сатрларда

● **ЎТГАН** куни 300-мактабда "Маънавият ва маърифат" марказининг Сергели туман бўлими ташаббуси билан "Бахтимиз Қомуси — элимиз номуси" мавзусида ўтказилган тадбирда Тошкент Давлат юридик институти талабалари, ўқитувчилари ҳам иштирок этишди.

● **БУГУН** "Сузук ота" маҳалласида фаоллар ва ёшлар иштирокида "Маънавият ва маърифат" марказининг Шайхонтоҳур туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланди.

● **БУГУН** "Бободехқон" маҳалласида "Маънавият ва маърифат" марказининг Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида Тошкент Давлат юридик институти талабалари, ўқитувчилари иштирок этишди.

● **БУГУН** "Пойтахт" меҳмонхонасида Миробод туман хотин-қизлар кўмитаси, "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими ҳамкорликларида ўтказилган учрашув "Саодат" журнали ташкил этилганлигининг 80 йиллигига бағишланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Курувчи — ша- рафли касб. Буни дилдан ҳис этган «12-трест» акция-дорлик жамиятига қарашли 65-қури-лиш бошқармаси гишт терувчиси Элёр Боев пойтахт-имиз қурилиш майдонларида жонбозлик кўрсат-моқда.

**СУРАТДА:** Эл-дор Боев ўз иши-ни сидқидилдан адо этмоқда.



## ИШБИЛАРМОНЛИК КЕНГАШЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон-Россия ва Россия-Ўзбекистон ишбилармонлик кенгашларининг қўшма мажлиси бўлди. Унда икки мамлакат савдо-саноат доиралари вакиллари иштирок этди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад мамлакат-ларимиз ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустақамлашга оид масала-ларни муҳокама этишдир.

Россия Ўзбекистоннинг йирик ва муҳим иқти-содий ҳамкорларидан. Бугунги кунда икки дав-лат ўртасида савдо-сотиқ, энергетика, телеком-муникация, банк-молия ва сугурта каби соҳалар-даги алоқалар изчил ривожланмоқда. Ўзбекис-тонда мазкур мамлакат ишбилармонлари билан биргаликда очилган тўрт юздан зиёд, Россияда эса юртимиз сармоясига иштирокида ташкил этил-ган 267 йўшма корхона фаоллик кўрсатаётди.

2004 йили мамлакатларимиз ўртасидаги сав-до ҳақми 2003 йилдагига нисбатан 42,9 фоиз ўсиб, 1 миллиард 642 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Мутахассислар 2005 йилда ушбу кўрсаткич 2 миллиардга етиши мумкинлигини таъкидламоқда.

Жорий йилнинг 14-15 ноябрь кунлари Ўзбе-кистон Республикаси Президенти Ислам Каримо-вининг Россия Федерациясига расмий таширифи икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлида қўйилган улкан қадам бўлди. Сафар ас-

носида президентлар Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқ-чилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Бошқа бир неча ҳужжат, жумла-дан, икки мамлакат савдо-саноат палаталари ўртаси-да ҳамкорлик битими имзоланди.

Анжуманда Ўзбекистон-Россия ишбилармон-лик кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари Набижон Қосимов ҳамда Россия-Ўзбекистон иш-билармонлик кенгаши раиси, Россия Нефть-газ саноатчилари уюшмаси кенгаши раиси Юрий Шафраник мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўлами тобора кенгайиб бораётганини таъкидладилар. Тошкент учрашу-ви бу алоқаларни янада юқори поғонага кўтариш-га ҳиса қўлишига ишонч билдирилди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Россия ишбилармон-лари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга қаратилган маърузалар тинглан-ди. Икки мамлакат ишбилармон доиралари ва-килларининг ўзаро музокаралари бўлиб ўтди.

Нодирбек ЎЛЖАБОВ,  
ЎзА мухбири

## XVI саҳоси аср

Барча маълумлардан  
олинган сўнги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

● Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитасининг йиғилиши ўтказилди.

● Тошкентда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Австрия Федерал Иқтисодий палатаси ҳамкорлигида биз-нес-анжуман ташкил қилин-ди.

● Қорақалпоғистон Рес-публикасида яна бир газ қони топилди. Мўйноқ яқини-даги «Учсой» мавзесида Шарқий Бердақ газ қонининг очилиши муносабати билан бу ерга «Ўзнефтьгаз» Миллий ҳолдинг компаниясининг «Ус-тюртгаз» унитар шўъба кор-хонаси табиий газ тайёрлаб бериш қурилмасини ўрнат-ди.

● Фарғонада «Perfectum Mobile» уяли алоқа тармоғи иш бошлади. Янги тармоқ Фарғона, Марғилон, Қўқон шаҳарлари ҳамда Бағдод, Олтарик ва Сўх туманлари аҳолисига катта қулайлик туғдирмоқда.

● Термиз шаҳрида мам-лакатимизнинг жанубий че-гараларида ўз хизмат бурчи-ни ўтаган аскарларни уяли-рига тантанали равишда қу-затиш маросими ўтказилди.

● Наманган шаҳридаги Но-дир номидagi шаҳар марка-зи кутубхонасида ёш авлод тарбияси масалаларига ба-ғишланган китобхонлар кон-ференцияси ташкил этилди.

### Жаҳонда

● Либериянинг собиқ мо-лия вазир Эллен Жонсон-Сирлиф мамлакат президен-тлиги учун ўтказилган сай-ловларда ғалаба қозонгани ҳолда, Африка қитъасида илк аёл президент бўлди. Сайлов комиссияси томони-дан кеча эълон қилинган натижаларга кўра у 59,4 фоиз овоз олган.

● Ўзаро алоқаларнинг 40 йиллик зулишидан сўнг Ироқ етакчиси Жалол Тала-бони илк бор расмий таш-риф билан Эронда бўлди. Ушбу ташриф тарихий воқеа сифатида баҳолан-моқда.

● Бирлашган Араб Амри-ликларининг Дубай шаҳри-да жаҳондаги энг катта аэропортни қуриш режа-лаштирилмоқда. Бир йилда 120 миллион нафар йўлов-чига хизмат кўрсатиши имко-нига эга ушбу янги аэропор-тда олтига учиб-қўниши йўлақлари бунёд этилади.

## БИЗНЕСНИ БИЗДА ЮРИТИНГ

МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЭРКИН РИВОЖЛАНИШИ УЧУН БАРЧА ШАРОИТ ВА ИМКОНияТЛАР ЯРАТИЛГАН. БУНДА ПОЙТАХТНИНГ, ХУСУСАН ТУМАНЛАРНИНГ ҲАМ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚДИР


Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгашнинг охириги йилгилишида мамлакатимиз Президентининг иқтисодийни янада эркинлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган бир қатор Фармон ва Қарорларидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик учун энг мақбул ва энг мўтадил ҳудуд яратиш хусусида сўз борганда, ушбу тажрибани пойтахтимизнинг учта тумани қаторида СОБИР РАҲИМОВ туманида ҳам қўллаш мумкин деган тақлиф киритилганди. Бундай устулликнинг катта умид билан берилгани, шубҳасиз. Аммо бу ерда яна бир муҳим нарсага — туман ҳокимлари томонидан ўз зиммаларига олган масъулиятга алоҳида ургу бериш ўринлидир. Қисқа вақт — бир ярим-икки ой ичида тумани бутун республика миқёсида барқарор бизнес юритилаётган даражага чиқариш, қолаверса ҳар томонлама намунали ҳолга келтириш осон вазифа эмас.

Бизнинг тахририят назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар ҳудудий комиссияси негизидаги жамоатчилик кенгаши аъзоси сифатида туман раҳбариятини бундай журъатли, шу билан бирга ҳайрли ишга қўл урганини қўллаб-қувватлаб, аҳборот кўма-гини беришга ҳам тайёр эканли-

гини маълум этган ҳолда, туман-нинг мавжуд имкониятлари ва айни дамлардаги саъй-ҳаракат-ларидан бевоқифа шохид бўлиш ниятида бу ерга ташриф бую-ришини маъқул топди.

Собиррахимовликлар ўз ту-манларини "кафтдаги мамлакат тарихи" дея гурур билан атайди-лар. Бу ерда гап, албатта, пой-

тахтимиз ва бутун республикамиз-нинг маркази, давлатимиз тузи-лишининг тарихи, сиёсати, мада-нияти, анъана ва урф-одатлари-нинг ўзаги бўлмиш Эски шаҳар ҳақидадир. Эски шаҳар айрим бошқа туманларни ҳам қисман қамрасада, лекин асосан Собир Раҳимов тумани ҳудудида жой-лашган. Шу боисдан туман



ҳақида сўз борганда, авваламбор Эски шаҳар, унинг бир пайтлар ўнқир-чўнқир бўлган, эндиликда эса кенг, ёруғ ва раvon Зарқай-нар, Қорасарой, Сағбон, Чўқур-сой қўчалари тасаввур қилинади.

Давоми 4-5-бетларда.

*Конституциямиз яшамокда ва амал қилмокда*

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ АСОСИЙ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

«Ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг конституцияси ҳисобланади. Конституция давлатни — давлат, миллатни — миллат сифатида дунёга танитадиган қомусномадир. Шу маънода Асосий Қонунимиз халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттирувчи қонундир», — деб таъкидлаган эди Президентимиз Ислам Каримов.

Ҳар бир давлатнинг ўз қомусида акс эттирилгандек, бизнинг қомусимизда ҳам мамлакатимизнинг тавсифи берилган, давлат ва жамият қурилишининг туб моҳияти, мақсади, ҳокимият тизими, унинг фаолият принциплари, давлат органларининг асосий ваколатлари ифодаланган.

Ўзбекистон Республикасининг қомуси халқимизнинг эрки — иродасини ифодалаган энг муҳим Асосий Қонундир. У аввалги қонун ҳужжатларидан туб моҳияти ва мазмуни билан фарқ қилади.

Инсон ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати шунингдек, яшаш ҳуқуқи, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас

ҳисобланади. Шу боисдан бу ҳуқуқлар давлат томонидан ва Асосий Қонунимиз бўлган Конституция билан ҳимоя қилинади ва қафолатланади.

Конституциянинг 24-25 моддаларига биноан «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир».

«Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас», деган қоида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон тинчликни сақлаш, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, давлатлар ўртасида

ҳамкорлик ва бошқа шу каби халқаро ҳуқуқнинг умуминсоний тамойилларига содиқ бўлиб қолмоқда.

Яна шунинг айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқининг муҳим қафолатларидан бири — инсон умрини узайтириш, ўлимни қамайтириш, қулай ва муносиб турмуш тарзини яхшилашни вужудга келтириш каби олижаноб мақсадларни кўзда тутувчи кучли ижтимоий сиёсат юритилади.

Авваламбор атроф-муҳитга эҳтиётлик билан муносабатда бўлиб, уни тоза сақлаш учун кураш олиб бориш, шунингдек аҳолининг ночор қатламларига, кўп болали оналарга ёрдам бериш, аҳолининг соғлиғини сақлаш қабилар давлатимиз олдида турган муҳим вазифалар қилиб белгиланган.

Шубҳа йўқки, буларнинг барчаси инсоннинг яшаш ҳуқуқининггинагина қанақадан бўлиб хизмат қилади.

Зеро, бундай конституцион ҳуқуқ ва эркинликларни ҳамма фуқаролар билишлари, шу билан бирга бурчларини ҳам унутмасликлари лозим. Уларни адо этиш эса келажаги буюк давлат фуқароларига хос ва мос фазилатдир.

**Раъноҳон РАҲИМБЕКОВА,**  
юридик фанлари  
номзоди, доцент

## Иқтисодиёт

### СИФАТИ ОРТМОҚДА

Ўзининг 10 йиллик фаолияти давомида нафақат маҳаллий, балки хорижий харидорларни ҳам жалб этган «Ўзқайнак» қўшма корхонаси мебелсолари ушбу муваффақиятга мебель турларини кўпайтириш баробарида сифатига жиддий эътибор қаратиш тўғрисида эришишмоқда.

Ўтган йиллар давомида корхона мебелларининг тури бир неча ўн баробарга ортиб, 350 хилдан зиёдни ташкил этмоқда. Айниқса, корхонада замонавий мебель ишлаб чиқарувчи дастгоҳлар қувватидан унумли фойдаланиб тайёрланаётган офис ва идора, уй-хижоз мебеллари бугунги харидор талабига жавоб бериши билан ажралиб туради.

— Ҳамкорларимиз — Туркия давлати таниқли фирмаларининг каталогларидан ижодий фойдаланган ҳолда ҳар йили 20-30 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштираёмиз, — дейди корхона бош менежери Олтинбек Отабеков. — Ўтказилаётган тендерлардаги муваффақиятларимиз ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишида, рақобатбардош товарлар тайёрлашда муҳим омил бўлмоқда. Шунингдек, республикамиз ва хорижий давлатлардаги ярмарка ва кўргазмалардаги иштирокими харидорларимиз сафи кенгайишида катта ҳисса қўшмоқда. Шунингдек таъкидлаш лозимки, жорий йил бошида Чилонзор туманида алоҳида бино сотиб олиб, ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришга эришидик.

### ЯНГИ ЛИНИЯ КЕЛТИРИЛАДИ

«Зебинисо она» савдо белгиси билан тайёрланаётган қандолат ва макоран маҳсулотларининг турлари 100 хилдан ортиди.

Бу борада бозорни ўрганиш, харидор талаб ва тақлифларидан келиб чиққан ҳолда иш юритиш ўз ижобий самарасини бермоқда. Шунингдек, ўтган фаолиятлари давомида корхона чехларнинг Россия, Италия, Туркиядан келтирилган замонавий дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланиши ривожланиш, харидорлар сафи ортишида муҳим омил бўлди.

Жамоада маҳсулотлар асосан маҳаллий хом ашё ҳисобига тайёрланади. Қандолаш ашёлари ҳам илгари Хитойдан келтирилган бўлса, ҳозирда тadbirkorликка қаратилган катта эътибор боис ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани қандолатчилар учун қулайликдир. Шунингдек, ўтган фаолиятлари давомида корхона чехларнинг Россия, Италия, Туркиядан келтирилган замонавий дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланиши ривожланиш, харидорлар сафи ортишида муҳим омил бўлди.

Яқин келажақда эса тadbirkorлар янги макоран линиясини келтириб ўрнатгани режалашгани, бу дастгоҳ Европада энг замонавий ускуна ҳисобланади. Албатта, шу асосда янги маҳсулот турлари харидорларга тортиқ этилади.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

Яқинда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ҳудудий комиссияси томонидан Президентимизнинг «Тadbirkorлик субъектларини текширишни янада қисқартириши ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-таadbirkorликлари тўғрисида»ги Фармон ҳамда «Тadbirkorлик фаолиятини юритиш учун руҳсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги Қарорининг жойлардаги амалий ижросини таъминлаш ва мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида семинар ўтказилди.

Туманда фаолият юритаётган барча тadbirkorлик субъектлари ва назорат қилувчи органлар вакиллари иштирок этган ушбу семинарда сўзга чиққанлар тadbirkorлик субъектларини текширишни ташкил қилиш ти-

зимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш, ҳўжалик юртувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жа-

корлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ўтказилади.

Шунингдек, янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликларининг молия-ҳўжалик фаолиятини улар

асл моҳиятини тadbirkorлик субъектларига тушунтириш ва ижросини таъминлашдан иборат, — дейди туман ҳокими ўринбосари Ботир УМАРОВ. — Маълумки, Фармонда тadbirkorлик субъектлари текшириш натижалари бўйича назорат органларининг тақдимномаларини бажарган, шунингдек етказилган зарарни белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда иктиёрий равишда қўлаган, шу жумладан пеняни тўлаган тақдирда уларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмаслиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Семинар давомида қатнашчилар ўзларини кизиқтирган масалалар юзасидан мутахассисларга саволлар билан муражаат этиши ва батафсил жавоблар олишиди. Тadbirkorлик фаолиятини эндигина бошлаган шахслар ўзларини қийнаётган муаммолар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

**Орзугул РУСТАМОВА**

## Фармон ва ижро

### ФИКР АЛМАШДИЛАР

Маълумки, жорий йилнинг ўзида тadbirkorлик субъектларини кўллаб-қувватлаш, уларга кенг шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармон ва Қарорлари эълон қилинганлиги фаолият кўрсатаётган тadbirkorлар билан бир қаторда ушбу соҳада ишни энди бошлаганларга ҳам кўл келганлиги аини ҳақиқат.

вобгарлигини кучайтириш мақсадида белгиланган асосий вазифалар тўғрисида гапириб ўтдилар. 2005 йил 5 октябрда эълон қилинган Фармонда таъкидланишича «Микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликларининг молия-ҳўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тadbirkor-

давлат рўйхатига олинган пайдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмаслиги кўрсатилган.

Тadbirkorда ана шу бандлар асосида гапирилиб, уларга изоҳ бериб ўтилди.

— Ушбу семинардан кўзланган асосий мақсад Фармон ва Қарорларнинг

«Тошкент шаҳар аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш мажмуаси»нинг навбатдаги йиғилиши 9 ойлик иш натижаларига бағишланди. Унда шаҳар йўловчи ва юк ташиш корхоналарининг шу вақт ичида амалга оширган ишлари сарҳисоб қилинди.

## Транспорт

### САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

«Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси учун ҳам бу давр жиддий синов бўлди. Ҳисобот даврида компания ва унинг таркибидаги корхоналар аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда қатор ютуқларга эришдилар. Бу орада белгиланган режа ортиги билан бажарилди. Шаҳар ичида йўловчи ташиш ҳажми эса 101,2 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Транспорт хизмати маданиятини оширишга эътибор қаратилди.

**Анвар ҒАНИЕВ**

## ТАДБИРКОР АЁЛЛАР УЧУН КўМАК БўЛДИ

Тошкентда «Тadbirkor аёллар ва ишбиланонлар» Тошкент шаҳар жамоат бирлашмаси томонидан бизнес-семинар ўтказилди.

Юртимиз иқтисодиётини тараққий эттирувчи асосий куч — тadbirkorлардир. Шу боис жорий йилда уларни кўллаб-қувватловчи ҳамда фаолиятларини ривожлантириш мақсадида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Натижада ҳўжалик субъектлари мустаҳкам ҳуқуқий ҳимояга эга бўлди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг шу йил 5 октябрдаги «Тadbirkorлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-таadbirkorликлари тўғрисида»ги Фармони ишбилармонлар фаолиятини асосан назорат қилишни кескин қисқартирди. Мазкур фармоннинг мазмун-моҳиятини тadbirkorларга етказиш мақсадида тadbirkorлар ташкил этилмоқда.

Ишбилармонлар учун яратилаётган имкониятлар, уларнинг фаолиятини тўғри йўналтириш, ҳуқуқий, амалий ёрдам кўрсатиши ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Тadbirkor аёллар ва ишбиланонлар» Тошкент шаҳар жамоат бирлашмаси бугунги

кунда 500 дан зиёд тadbirkorларни ўз атрофида тўплаган. Мазкур бирлашманинг муҳим йўналишларидан бири бизнес соҳасидаги малакани ошириш, аёлларда тadbirkorлик фаолиятига бўлган иштиёқни уйғотиш, тadbirkorлик билан шугулланиш истагидаги аёлларга ўзларига мос бўлган фаолият турлари ҳақида маълумот беришдан иборат. Бу борада семинар-тренинг, ўқув курсларини ташкил этиш яхши самара беради. Шу пайтга қадар ташкилот аъзолари Швейцария, Англия, Миср, Франция каби давлатларда ўтказилган бизнес-семинарларда қатнашиб бозор иқтисодиёти бўйича маълумотларга эга бўлишди.

Тadbirkor иштирокчилари соҳага доир қабул қилинган фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти билан таништирилди, тadbirkorлар фаолиятида учраётган муаммолар муҳокама қилинди.

**Инобат ЭГАМКУЛОВА,**  
«Туркистон-пресс»

**Кўргазмалар**

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ ШАРТНОМАЛАР ТУЗИЛМОҚДА

Кеча шахримиздаги «Интерконтиненталь» мехмонхонасида «Food Week Uzbekistan-2005» номли озиқ-овқат sanoati ва кишлоқ хўжалигининг аънавий кўргазмаси ўз ишини бошлади.

Ўнинчи бор ўтказилаётган мазкур кўргазма тўрт бўлимдан иборат бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар Food Экспо, озиқ-овқат sanoati учун асбоб-ускуна ва технологиялар Food Тек, қадоклаш технологиялари ва асбоб-ускуналари Раск Тек ҳамда кишлоқ хўжалиги технологиялари ва анжомлари Agri Тек экспозицияларида намойиш этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва

Қозоғистон, Ўзбекистон, Хиндистон, Эстония, Италия, Голландия каби жами ўн икки мамлакатнинг 36 та компания ва йирик фирмалари ўзларининг замонавий маҳсулот ҳамда анжомлари билан иштирок этмоқдалар.

Албатта кўргазмани уюштиришдан кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш sanoatининг энг сўнгги ютуқлари билан мутахассислар ва манфаатдор ташкилотларни таништириш, ўзаро манфаатли асосда шартномалар имзоланишини таъминлаш баробарида юртимизда ушбу муҳим соҳа ривожига ўзига хос хисса қўшиш каби хайрли мақсадлар кўзланганини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли.

Кўргазма экспозициялари билан танишар эканмиз, ундан энг замонавий ва ранг-баранг маҳсулотлар ўрин олганлигини, йирик корхоналарнинг мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланиб бораётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Масала, Россиянинг «Ростсельмаш» компанияси мамлакатимиз бозорига узок йиллардан буён фаолият кўрсатади. Ушбу

компания вакилларининг таъкидлашича, яна бир бор Ўзбекистонда бўлиб юртимиз истеъмолчилари билан учрашган ҳолда техникаларни лозим даражада етказиб бериш юзасидан битимлар тузишга ҳаракат қилмоқдалар.

Европада етакчи ўринда турувчи «Варак» компанияси томат паста, мевалар пасталари ва порелар, концентратлар ҳамда кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш асосидаги ярим тайёр масалликларни жойлаштириш учун аseptик қоплар технологиясини кўрсатмоқда.

Қозоғистоннинг «Дон индустрияси» компанияси эса уруғларни саралашдан тортиб то тайёр маҳсулот чиқаришгача бўлган ишлаб чиқариш жараёни амалга оширувчи 20 та корхонани ўз ичига олган бўлиб, хорижга дон экспорт қилувчи йирик корхоналардан бири сифатида мамлакатимиз билан манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятида.

Ўйлаймизки, мазкур йирик халқаро кўргазма давомида юртимиздаги корхоналар ҳамда хорижлик ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларига мижозлар топилиши, қўллаб шартномалар имзоланишига тегишли замин яратилишига шубҳа йўқ.

**СУРАТЛАРДА:** кўргазмадан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар



**Таълим**

## ТЎЛИҚ КОМПЬЮТЕРЛАШ ЙЎЛИДА

Ёшлар компьютер саводхонлигини ошириш бугуннинг долзарб таълимий масалаларидан бирига айланган. Шу сабабли ҳам республикамиз олий ўқув юртини «ақлли машиналар билан тўла таъминлаш йўлида тадбиркорлик билан иш юритилмоқда.

Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институтида ҳам компьютерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда улар захираларидан яқка тартибда фойдаланишини ташкил этишга жиддий эътибор берилмоқда. Бу эса ўта замонавий ички ахборот тизимига ўтиш учун кенг имконият яратади.

Таълим жараёнларини тўлиқ компьютерлаштириш мақсадида олий ўқув юртида қўшимча техник тадбирлар қўрилмоқда. Барча профессор-ўқитувчиларнинг ўз компьютерларига эга бўлишлари учун маълум муддат талаб этилади.

Талаба ёшларининг мавжуд техника ва технологиялар бўйича таълимга эга бўлишлари учун ҳам пухта замин яратилмоқда.

Шу мақсадда институтида компьютер курилмаларининг янги мажмуасини юзага келтириш режаси ишлаб чиқилди.

## СОВБА БАРЧАГА МАНЗУР

Бундан ўн йил муқаддам Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси билан Сеул шаҳар таълим департаменти ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларига асос солинган эди.

Ўзбек ва корей халқларининг дўстлик ва маърифий ҳамкорлигида муҳим омили бўлаётган бу яқин муносабатнинг йўлга қўйилишида республикамизда фаолият кўрсатётган Корей таълим маркази ташаббус кўрсатди.

Шу ўтган давр ичида ҳар икки халқнинг маданий-маънавий меросини ўрганишга катта аҳамият берилди, корей тилини ўргатиш йўлга қўйилди.

Ана шу сана муносабати билан Корей Республикаси таълим маркази пойтахт мактабларига 400 га яқин замонавий компьютер курилмасини ҳада этди. Шу билан бирга шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бундай «ақлли» машиналардан ўнтасига эга бўлди.

## ҲАМКОРЛИК ЎРНАТИЛДИ

Франция тўқимачилик машиналари ишлаб чиқарувчилари уюшмаси билан Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти ўртасида ҳамкорлик бонгланди. Ана шу яқин алоқа олий ўқув юртида тўқимачилик технологиялари бўйича янги ўқув машғулотларини ташкил этиш имконини берди.

«Франция тўқимачилик жиҳозлари» деган мавзудаги анжумани ташкил этишда бу муносабат қўл келди.

Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузуридаги иқтисодий миссия, халқаро бизнесни ривожлантириш бўйича Франция агентлиги томонидан ташкил қилинган бу анжуманда илгор француз технологиялари ҳақида маълумотлар берилди.

Бундай замонавий техникалар бу мамлакатдаги «Лярош», «Стоубле», «Сенрба» каби йирик компаниялар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, жаҳон бозорига энг харидоригр тўқимачилик машиналари ҳисобланади.

Ақбар АЛИЕВ



сув хўжалиги вазирилик, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси, «Ўзмеваасаб-завотузумсаноатхолдинг» компанияси ҳамкорликларида ташкил этилган кўргазмада Россия, Украина, Туркия,

**Банк тизими**

## МУҲИМ ҚАДАМ

Ўзбекистон корпоратив облигациялари бозорига «Банклараро савдо тизими» МЧЖ томонидан ташкил этилган биринчи ташкиллаган биржадан ташқари савдолар натижаси бўйича республика банклари Ассоциацияси матбуот анжумани ўтказди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳисобклиннинг хизмати ва биржадан ташқари савдолар ташкилотчиси Банклараро савдо тизими — қимматли қоғозлар савдо-сидида «Easy trading» клиринг ва савдо электрон тизими орқали масофадан туриб савдо қилиш ва корпоратив облигацияларни бир неча савдо сессиялари ичида минимал харажатлар билан бирламчи жойлаштириш имкониятини беради.

«Банклараро савдо тизими» масъулияти чекланган жамияти Президентимизнинг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун ҳамда қимматли қоғозлар бирламчи ва иккиламчи бозорини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган бўлиб, тизимнинг таъсисчилари Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ва бир қатор тижорат банкларидир.

Айни пайтда «Алп Жамол банк», «Капитал банк», «Халқбанки», «Равнақбанк», «Траст-

банк», «Ўзприватбанк», «Асака», «Ипак йўли», «Ўзсаноатқурилиш» банки Банклараро савдо тизими сафига кирган. Ушбу тизим қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг биржадан ташқари қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиси ва ҳисобклиннинг хизмати фаолиятини амалга оширувчиси лицензияларига эга. Шунингдек, Давлат қимматли қоғозлар марказий депозитарийси билан ўзаро икки томонлама фаолият шартномаси ҳам тузилган.

Бугунги кунда Банклараро савдо тизими котиравка рўйхатига «Marvel Juice Со»нинг номи ёзилган, фоизли, нақдсиз, иккинчи эмиссия облигациялари киритилган: чиқарилиш ҳажми 400 миллион сўм, облигация миқдори 40 минг дона, облигациянинг номинал қиймати 10 минг сўмдир. Ушбу облигациялар бўйича 50 миллион сўмга маркетмейкер сифатида иштирок этувчи «Ипак йўли» банки бош андеррайтер ва тўлов агенти саналади.

Банклараро савдо тизими котировка рўйхатининг барқарорлик каттегориясига «POLIFLEKS» компаниясининг номи ёзилган бўлиб, фоизли, нақдсиз, биринчи эмиссия облигациялари киритилган. Уларнинг чиқарилиш ҳажми 1 миллиард сўм, облигациялар миқдори 20 минг дона ташкил этади, номинал қиймати 50 минг сўмдир.

Ушбу облигациялар бўйича 100 миллион сўмга маркетмейкер сифатида иштирок этувчи «Капитал банк» бош андеррайтер ва тўлов агенти саналади. Савдолар ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунлари ўтказилади.

Банклараро савдо тизимининг биринчи иш кунига тўхталагидан бўлсак, савдоларда 8 та банк қатнашиб, умумий миқдори 103 миллион сўмлик битимлар тузишга эришилди. «Ипак йўли» ва «Капиталбанк» маркетмейкер сифатидаги вазифаларини бажаришни бошлади. Шуни айтиш лозимки, ушбу тизимнинг фаолият бошлаш ликвидлиги иккаламчи қимматли қоғозлар бозорига муҳим қадам бўлди.

(Ўз мухбиримиз)

Германиянинг Шлезвиг-Гольштейн федерал ўлкасида жойлашган Любек шаҳрида мамлакатимиз ишбилармон доираларидан иборат делегация иштирокида Ўзбекистон иқтисодий кунлари бўлиб ўтди.

## ЛЮБЕКДА ЎЗБЕКISTON ИҚTISODIЙETI KUNLARI

Делегациянинг ГФРга ташрифидан кўзланган асосий мақсад ишлаб чиқариш соҳасидаги юқори салоҳияти, қўллаб қўллаб замонавий корхоналари ва молиявий марказлари билан донг таратган Шлезвиг-Гольштейн федерал ўлкаси ҳамда Любек-Киль-Фленсбург минтақаси билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва жадаллаштиришдан иборат эди.

Ташриф доирасида ўтказилган иқтисодий конференцияда Шлезвиг-Гольштейн ўлкаси савдо-саноат палаталари уюшмасининг раҳбарияти, «ОйлерГермес АГ» кредит-суғурталаш жамияти ҳамда 40 дан зиёд фирма ва компанияларнинг вакиллари иштирок этди.

Конференцияни очар экан, Любек шаҳар Савдо-саноат палатаси президенти Б.Йоркши Ўзбекистон делегациясининг ташрифий ҳар икки томонда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш катталигидан далolat беришини алоҳида таъкидлади. «Бу ташриф икки мамлакат ишбилармонлари ўртасидаги ишончли ва ўзаро манфаатли алоқаларнинг истиқболига хизмат қилади», — деди у.

Тадбирда «ОйлерГермес АГ» кредит-суғурталаш жамиятининг мутахассислари Ф.Бармер ҳамда М.Рихерс сўзга чиқиб, иштирокчилар эътиборини мазкур ташкилотнинг Ўзбекистон билан муваффақиятли молиявий ҳамкорлиги таърибасига қаратдилар.

Иқтисодий конференция давомида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг тақдими, шунингдек, Ўзбекистон ва Германия корхоналари вакиллари иштирокида кооперация биржа ҳам ўтказилди. Учрашувлар натижасига кўра, ҳар икки томон ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб олди.

«Жаҳон» АА



# Ошма даврасида сўхбатлар

Холид бин Абдуллоҳ Қашриқи Басра шаҳрига амир эрди. Бир кун анинг хузурига бир жамоа кишилар бир ўғлонни келтурдиларки, кўп доно ва хушёр эрди. Амир ул жамоадин қиссани сўроди. Алар айдилар: "Эй ал Амир, бу бача ўғридуру. Кунни кеча ани ўз хонамиздин тутдик". Амир Холид ул ўғлонга қараб ани хусну жамолини кўруб таажжуб қилди. Дарҳол маҳжамани хилват қилуб ўғлонни чоқриди. Воқени андин сўроди. Ўғлон айди: "Алар рост деюрлар ва иш аларни айтқандекдур". Амир айди: "Бу сурат билан нечун ўғурлуқ қилдинг?" Ўғлон айди: "Молни тамъ қилуб кирдим, тақдир шундоғ эркан". Амир айди: "Эй бача, сени ҳеч ким бу ишдан қойтормадиму?" Ўғлон айди: "Эй ал Амир, сўзни узатмоғил, шариатни ҳукми нимаки эрса менга ижро қилғил. Худои таоло ҳеч кимга зулм қилмас. Мани аълолимни мукофоти ушбдур ва мен анга розидурмен". Амир хайрон бўлуб андишага тушти ва айди: "Эй бача, мабодо ўртада бошқа бир воқеа бўлса менга деғил". Ўғлон айди: "Менда ҳеч бошқа бир воқеа йўқдур. Ушал иқрор ва эътироф қилғон нимараса ҳақдурки, бу жамоани хоналарига туштун. Алар мени кўруб ушладилар ва сени хузурига келтурдилар". Амир андин бу сўзни эшитиб ани зиндонга юборди. Жарчилар чоқридилар: "Кимки фалон бачани қўлини кесилмоқини томошо қилайин деса эртан зиндон остига борсин", деб

Аммо ўғлонни зиндонга олуб бориб оёқ-қўлига занжир урдилар. У бача оҳ тортув, йиғлаб бу байтни ўқуди. Байт:

**Ишқ элига фарздуким ишқини пинҳон этар,**  
**Ошиқ эрмас ул кишиким нолаи афғон этар.**  
**Гарчи минг жон бўлса менда ёрима айлай нисор,**

Хайф ул ошиқғаким ўлғонда армон этар.

Вақтики, зиндон-бон бачадин бу абётни эшитти. Амирни олдиға боруб хабар бердики, бу бача абётни ўқур, магарки ошиқ бўлғой. Вақтики, оламни қоронғу бости. Амир ул бачани хузурига келтурди. Кўрдики, хуб оқил ва хушёр ва одоблиқдур. Дарҳол таом келтурдилар. Ўғлон таомдин ошоди. Бир соат амир билан сўзлашти. Амир айди: "Эй бача, сенда ўғриликдин бошқа бир ҳикоя бордур. Эрта қози ва халолуқ келсалар қози сендин "ўғрилик қилдингму?" деб сўроғай. Ул вақт сен эътироф қил-

## Ҳаҳон адабиёти дурдоналари

Ота-боболаримиз томонидан севиб мутолаа этиб келинган "Минг бир кеча" эртақлари "Алф лайла ва лайла"нинг туркий (ўзбек) тилига қилинган таржимасидир.

Икки жилдик ушбу китоб араб алифбосида литография (тошбосма) усулида Тошкентда ўтган асрининг бошларида "Азия" матбаасида босилган. Эллигинчи йилларнинг охири ва олтинчи йилларнинг аввалида эса унинг "Минг бир кеча" номи билан (8 жилд) босилиб чиққанлиги бугунги куннинг кекса ва ўрта ёшли китобхонларига яхши маълум. Аммо давр тақосиси билан ундаги кўпгина ҳикоялар, воқеалар бу жилдларга кирмай қолган. Кейинчалик "Бир соатлик халифа" ("Минг бир кеча"га кирмай қолган эртақлар) деб аталган китоб ҳам нашр этилган.

Куйида газетхонлар эътиборига тақдим этилаётган ҳикоя икки жилдик нуҳсадан олинди. Араб алифбосидаги сўз ва ибораларни аслида қандай ёзилган бўлса шундай беришга қарор қилдик. Фақат айрим ўринларда мураббаъ қавс ( ) ичида изоҳ беришни жоиз, деб билдик. Ҳикоянинг номлини ҳам бундан мустасно эмас.

ядки бу молға сен шерик бўлғойсен". Ўғлон: "Арвалоҳки, ҳамма моллар алардиндурки, мени анда ҳеч ҳақим йўқдур". Амир Холид бу сўзни эшитиб, дарғазаб бўлуб келуб бачага бир-икки қамчи солди. Сони бу байтни ўқуди:

Байт:  
**Насихат қилма аблага биродар,**  
**Мизожиға ўлтурмас қанду шакри.**

У вақт жаллодга амр қилдики, ани қўлини кесгай. Жаллод

Амир бу абётни ўқуб, ул қизни олдиға борди. Дарҳол ҳикояни андин сўради. Қиз айди: "Бу ўғлон мени ошиқимдур. Мени зиёратим учун хонамизга кириб эрди. У вақт мени оғоҳ қилмоқ учун уйға бир тош отди. Ногоҳ отам ва акам тошни овозини эшитиб тошқорига чиқдилар. Бу жувон аларни кўруб ва ўзини аларга ўғри қўрсотуб тошқоридиғи палосларни йиғмоқға турди ва ани қасди ул эрдикки, мендин парда кўторилуб, мен расво бўлмағоймен. Бас, отам ва акам ани ул ҳолда кўруб ани ушладилар. Ўғрилик насабини анга беруб, ани амирни кошларига келтирибдурлар ва ул жувон ҳам ўғриликқа иқрор қилубдур ва мени расво қилмоқдур ва қамоли жувонмарддигидин ўзини улғ махлақаға ташлабдур".

Ул вақт амир Холид айди: "Азбаройи Худои, бу ўғлон ҳар қанча яхшилик қилмоқға лойиқ ва сазовор турур". Ул вақт ўғлонни олдиға чоқриб юзларидин ўпти ва қизни отосини чоқриб айди: "Эй шайх, бизлар қасд қилиб эрдик, бу ўғлонни қўлини кесмоқға ва лекин Худои таоло бизларни асради. Эмди ўнг минг олтун анга инъом қилурмиз, чунки сени қизингни обрўйини сақлади ва қизингга минг олтун берурмен. Маслаҳат улки, қизингни бу жувонга берғил". Қизни отоси қабул қилди. Амир Холид ақд тўйи учун улғ базм қилуб, маъшукани ул ошиққа аҳд қилди. Басра ахллари бу маънидин шодмон бўлдилар. Аввалги йиғи орқаси хурсандлик бўлди.

**Суръат Абдукаримов,**  
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

## ЯХШИЛИК

масдин хомуш турғилки, қўл кесмоқдин халос бўлғойсен", деб амир ани боз зиндонга юборди.

Вақтики, эртаси бўлди. Мардум гуруҳ-гуруҳ бўлиб томоша учун тайин қилинғон жойға келдилар. Басрада ҳеч ким қолмадики, ани томошасиға келмағон бўлғай. Амир Холид ҳам Басрани улғуғари билан сувора бўлуб ўшал жойға келдилар. Ва қози ҳам келди. Дарҳол ўғлонни ҳозир қилдилар. Басра ахллари ани холини кўруб, анга афсури қилиб йиғлар эрдилар. Хусусан, хотунларни овози баланд бўлди. Қози амр қилдики, хотунларни хомуш қилғойлар. Ул вақт қози бачаға қараб айди: "Ҳасмларингни гумони улдурки, сен аларни хоналарига кириб, аларни молларини ўғирлаган бўлғойсен, лекин эй бача, шоядки олғон молинг нисобдин кам бўлғай". Ул бача айди: "Эй қози, бутун нисобни ўғурладим". Қози айди: "Эй бача, шо-

тиғни қўлиға олди. У бача икки қўлини жаллодга узатти. Жаллод ани қўлини ушлаб тиладики, кесгай. Ногоҳ, бир қиз хотунларни оросидин шитоб билан юғурғона келди. Қўнжа жома эғнида эрди. Келуб ўзини ул ўғлонни олдиға отти. Ой юзидан ниқрибни ташлади. Мардум фавво қилдилар. Ҳамият ҳимоятға айланди. Қарийбки, бир улғуғ фитна барпо бўлғай. Ул вақт қиз баланд овоз билан қичқириб айди: "Эй ал Амир Худойи таолани ҳақида мунки қўлини кесмоқда шитоб қилмоғил. Мана, бу хатни ўқугил", деб хатни амираға тутти. Амир хатни очуб ўқуди. Анга бу байтларни ёзубдур:

Байт:  
**Эй амирим,**  
**билғил, оғоҳ бўл,**  
**Ҳақни англа, зулм илан сен кесма қўл.**  
**Ошиқимдур, англағил сен бу жувон,**  
**Ўғри эрмас, эйтмас агарчи кетса бош.**

Оиланинг пароканда бўлишиға ким айбдор? Шу оила ақралиб кетса ким жабр кўради? Бетайин қизми? Ҳаётдан тўйиб, безиб кетган аёлми? Дадасидан кўржиб титраб турадиган беғуноҳ болаларми?

Оила муқаддас саздоғоҳ дейиларди-ку? Бу дунёда Бахтининг бекати бормикан ўзи? Ҳаёт гўзал, ёрқин деймиз. Лекин унинг баъзан ёлғонлар эвазига қурилган омонат қалъа эканигини нега айтмаймиз. Ташвиш, ғам, аламлар мавжудлигини нега яшармиз?

Наргиснинг бахтсизлиги нимада? Унинг чекига ишламайди, танбал, ичүчи, ёлғончи эр битилганими? Хўш, нима қилиш керак? Куттиш керакми? Нимани? Кимни? Рўзгор тебратаман деб қадди буклиб, юзлари сўлиб, дили ваётан бўлган аёл эрини яна қанча боқсин? Унинг калтаклари-ю беандиша ҳақоратларига қанча чидасин.

Бундай оила кимга керак? Оилани муқаддас билувчилари, Наргис сиздан жавоб кутади. Оила бузилишини метин қўнунларига муҳофаза қилувчи ҳуқуқшунослар, сиз нима дейсиз?

Шўрлик аёл эртаю-кеч ишлайверсинми? Ўзи йўқ умидни кутаверсинми, нажот фаришталарига ёлворсинми, ёки хулқи бузуқ эрининг зуғумларига чидаб, ўзини алдаб яшайверсинми? Қачонгача умр юкани адолат тарозисига қўйиб ўлчаб ашайди. Кимга суянин, нимага умид қилсин. Ўзини қандай овутсин.

Газетхон сиз нима дейсиз? Наргис нима қилсин?  
**Гулчехра ДУРДИЕВА**

## Шарқ дурдоналари



### ЎН БИР НАСИХАТ

**Тўққизинчи насихат:** бир-бирингизни турмушингизга, молу дунёингизга ҳасад қилманг, аччиқлашманг, ёмон сўзга борманг, ғазаб вақтида ўзингизни тутиб, иккиозлама мунофиқликдан, бахилликдан сақланг, ёлғончи, гийбатчи, тухматчи ва чақимчи бўлманг. Ваъдангизга вафо қилинг, меҳнатсевар, ишчан, ғайратли ва матонатли бўлинг. Омонатга хиёнат қилманг, одамларни қулдириш учун маъносиз, одоб, тарбияга хилоф бўлган сўзлардан сўзланманг.

**Байт:**  
**Истасангиз қайғу гамлардан нажот,**  
**Ножўя ишлардан айланг эҳтиёт.**

**Ўнинчи насихат:** ақли одам ўзининг қилмигини, даражасини билиб, шунга қараб иш олиб боради, гўзал хулқи одамларда мунофиқлик бўлмайди, ёмонликдан қайғуриб яхшилик учун севишни қомил инсонда топилади.

Ризқ рўзингизни тупроқ остидан изланг, яъни ер ҳайдаб уруғ севиб, тоғларга чиқиб қонларни изланг, бу ишларга мутахассис бўлиш учун махсус ўқув юрталарига кириб ўқинг, молу давлатингизни, оилангизни тарбия этишдан қизганманг. Мабодо ишингиз ўнганманса қайғуриб ўтирманг, ўнганманса гўв бўлиб турган нарсаларни битиришга ғайрат қилиб киришинг. Билмаган нарсаларингизни «билманг» деб даъво қилманг. Ёлғондан гувохлик берманг. Ҳақингиз йўқ нарсаларни даъво қилиб олманг. Нафис санъатларни ўрганишга хавас қилинг, ўрганинг. Она тилингни севиб, ҳурмат қилинг, кадр-қийматини тақдир қилинг, юксак мақомга кўтаринг.

**Байт:**  
**Ҳар тилакнинг аввалидир, шубҳасиз,**  
**тил очқичи,**  
**Тил—тараққий ҳам саодатнинг биринчи босқичи.**

**Ўн биринчи насихат:** гуноҳ унутилмайди, эзгулик ерда қолмайди. Ҳар кимки нима селса шуни ўради. Эзгулик эқишга шошилманг, нафсингизни ҳамма истагини бажо келтиришдан чекилинг. Хайри ишлар учун саъй ҳаракат қилинг. Жаҳият манфаатингиз ўз шахсий манфаатингиздан ортиқ билинг. Ёмонлик орқасидан юрманг. Саломатлик, тинчлик—энг улғу неъматлардан ҳисобланади. Бунинг қадр қимматини билинг. Умрингизни фойдасиз нарсаларга сарф қилманг. Сизнинг мол-дунёингиз, насл-насабингиз, мартабангиз эмас, қилган гўзал ишларингиз, яхшиликларингиз шараф билан ёд этилади, халқ кўнглида абадий қолдиради. Ўйланг тилакларингиз ҳосил бўлмай қолса ортиқча қайғуриб, соғлимингизга зарар етказманг, шунга ўхшаш молу дунёингизнинг қўплиги учун ҳам ўз-ўзингизни билмас даражада шодланманг, фурурланиб кетманг.

Ишланг, меҳнатни севиб, ҳалол қасб билан тоғлан мол-дунёингизни керакли ерларга сарф этинг.

## ТАФАККУР КАМОЛОТИ

- **Дунё ҳам кенг, ҳам тор. Бу ҳар бир одамнинг ўзига боғлиқ.**
- **Ҳаётда янгилик яратадиганларни топқилар ёки ижодкорлар, ҳаётда бор янгиликни ҳам йўқотадиганларни эса бузғунчи ёки такасалтанлар дейилади.**
- **Девор ортидагини ҳам ақл кўзи билан кўриши мумкин.**
- **Дилда фикрлаган ютади, тилда фикрлаган ютқизади.**
- **Ойнага қара, бировни ҳам шу ойнага сол, кейин фикр юрт, хулоса чиқар.**
- **Ақл билан билми бирлашса, тоғни талқон қила олади.**
- **Калласи каттаинг эмас, калласи тўланинг қорни доим тўқ бўлади.**
- **Ҳаётда ақли одамга нисбатан ақласиз одамлар кам, лекин кўндек туюлади.**
- **Илмнинг боши бору охири йўқ, десаилар ҳақ.**
- **Илим олиш учун сабр, билим олиш учун эса қутит керак.**
- **Билимли одам мард ва бир сўзли бўлади.**

**Тўлқин МУХИДДИН**

## “СУВ ПАРИСИ” ТУРНИРИ БОШЛАНДИ

Бугунги кунда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол тарзда вояга етказишда, уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш борасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қизлар ўртасида енгил атлетика, теннис, бадий гимнастика, сув спорти бўйича турнирларнинг ўтказилаётганлиги бунга яққол мисол бўла олади.

24-25 ноябрь кунлари пойтахтимизда олтинчи маротаба халқаро “Сув париси” халқаро турнири ҳамда Ўзбекистон очик Кубоги мусобақаси ўтказилади. Ушбу спорт байрами олдидан ташкилотчилар – Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Касаба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамаияти, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия

жамғармаси, “Камолот” ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими, Ўзбекистон “Спешл Олимпикс” ташкилоти ва Ўзбекистон Синхрон сузиш федерацияси томонидан КЕЧА матбуот анжумани уюштирилди.

— Бу йилги мусобақаларда мамлакатимиз спорт усталари билан бир қаторда Қозоғистон, Ҳиндистон давлатларининг моҳир спортчилари ҳам иштирок этади, — дейди Синхрон су-

зиш федерацияси бош мураббийси Галина Краснова. — Аънавий тарзда ўтказилиб келинаётган ушбу турнир воситасида ёшларимизда, хусусан қизларимиз ўртасида бу спорт турига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, терма жамоабил аъзолари кўплаб халқаро мусобақаларда ўз маҳоратларини намойиш этиб, олтин, кумуш ва бронза медалларни кўлга киритган. Айниқса жорий йил ҳамюртларимиз учун омадли келди. Таиландда катталар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ўзбекистонлик Н. Коркеева ва В. Попова жуфтлиги ҳамда Д. Можаева соло бахсларида кумуш медаль соҳиблари бўлишди.

Ният қиламизки, бугун бошланган халқаро турнирда ҳам ҳамюртларимиз яхши натижаларга эришишди.

Шахло ҲОШИМОВА

## Муффа олам

### ЧЕМПИОН ОТА

Бирлашган Араб Амирликларининг Рос ал-Ҳайма амирлигида 20 ва ундан ортқ боласи бўлган ўн оила борлиги қайд этилди. Умри давомида 13 аёлга уйланган ва улардан 33 фарзанд кўрган Салом Муборак деган 48 яшар масжид муаззини оталар орасида “Мутлақ чемпион” саналади. Исом рўқнларига кўра, бир вақтда тўрт марта уйланиши мумкинлигига қатъий амал қилган ўта диндор бу зотнинг авлодлари ёнига ақинда яна икки киши қўшилиши кутилмоқда.

Салом Муборак ҳар бир фарзанди учун Амир хазинасидан ойига 80 доллар олиб туради.

Рос ал-Ҳайма амирлиги чемпиони оталар рўйхатидаги иккинчи ўринни 30-боласи бўлган Али Рашид эгаллади. Бу зотнинг яқин йилларда Салом Муборакдан ўзиб кетиш эҳтимоли бор. Али Рашид сўнгги йилларда атиги уч аёл билан кун кеçирмоқда.

### АВИАТОРЛАР ЁРДАМИДА

Австрия археологларига тош асрга тааллуқли қадимий яшаш жойини аниқлашда авиаторлар ёрдам бердилар. Учувчилар Аспан-андер-Цай шаҳри атрофларидаги баъзи жойларнинг ранги бошқа участкаларникидан тубдан фарқ қилишига эътиборни қаратдилар.

Археологлар уларнинг берган маълумотлари билан қизиқиб қолиши ва ўша жойда қазилар ишлари олиб борила бошланди. Натихада қадимий мақбаралар, қўндалик турмушда ишлатилган буюмлар, қурол-яроғлар топилди. Айниқса, олимларнинг фикрича, бундан 7 минг йил илгари қурилган ва ҳар бирини 25-30 кишидан иборат оила яшаган яхши сақланиб қолган уй катта аҳамиятга эга.

### ТЎРТ МАРТА ЎҒИРЛАНГАН СУРАТ

Кейинги 16 йил мобайнида Лондонда тўрт марта ўғирланган Рембрандтнинг “Яков де Гейн” картинасини мутасассислар томонидан уч миллион фунт стерлинга баҳоланган нодир портрет асарларидан биридир. Бу картина унча катта бўлмай, ҳажми 30х45 сантиметр. Шу туфайли у ўғирлаш учун жуда “қулайдир”.

Сурат Жанубий Лондондаги Англияда энг қадимий бўлган Далвич коллежи галереясига тегишлидир.

Рембрандтнинг бу иши биринчи марта бошқа ўн тўрт картина билан бирга 1967 йилда ўғирланган. Ушанда полиция бир ҳафтадан сўнг барча картиналарни кўлга туширган эди. 1973 йилда эса ўғри галереядан суратни пальтосининг ичиде яшириб олиб чиқиб кетаётганида ушланган эди. 1981 йилнинг августиде эса жиноятчилар ўғирланган суратларни қайтариб бериш учун жуда кўп пул сўраганлар ва ваъда қилган пулни олаётганларида қамоққа олинганлар.

“Бу ўриликлар ўта кетган бе-маъниликдир, — дейди галереянинг бадий директори, санъатшунослик профессори Питер Мэррей. — Бундай картиналарни аукционда сотиш мумкин эмас, ҳақ талаб қилиб қайтариб бериб ҳам бўлмайди, квартираларга осиб қўйишнинг ҳам иложи йўқ, танишларга эса бу ҳақда гапириб бўлмайди”.

## Мағнавият

### ДАРСЛИКНИНГ УЧИНЧИ НАШРИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, профессор Иззат Султон томонидан яратилган тадқиқотлар орасида “Адабиёт назарияси” китоби алоҳида ажралиб туради. Таниқли адабиётшунос олим бу йилги асарини ўтган асрнинг 40-йилларида ёзиб, нашр эттирган эди. Кейинчалик унинг иккинчи наشري юзга келди. Ушбу китобнинг янги лотинча алфавитдаги наشري эса яқинда муштарийлар кўлига босиб етди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги уни университетлар ва педагогика институтлари учун ўқув дарслиги янгилик тақдим этди.

“Адабиёт назарияси”нинг янги маълумотлар билан тўлдирилган бундан шунинг “Ўқитувчи” нашрият-матбаа уйи томонидан кўп нусхада босиб чиқилди.

Акбар АЛИЕВ

Республикамизда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 ноябрдаги 493-Ф сонли фармойишига асосан 15 ноябрдан 15 декабрга қадар «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Унда фаол қатнашиб келаётган туманлардан бири Миробод туманидир.

### Ёнгин хавфсизлиги ойлиги

## РЕЖАЛИ ИШЛАР САМАРАСИ

Ушбу туманда ёнгин хавфсизлигини таъминлашда Миробод тумани ИИБ ёнгин хавфсизлиги бўлими раҳбарияти, ёнгин хавфсизлиги хизмати инспекторлари ва бўлимига қарашли 5,6-ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисмларининг захматқаш ходимлари хизмат қилиб келмоқдалар. Биз ёнгин хавфсизлиги профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда, ушбу ойликда фаол қатнашиб иш олиб бормоқдамиз. Ҳамкорликда ташкил қилинган ишларимизда маҳалла фаоллари ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Яъни маҳалла ҳудудиде жойлашган

ташкilot, корхона, мактаб, болалар боғчалари ва бошқа муассасаларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларнинг раҳбарлари ва ишчи ходимлари билан биргалликда учрашувлар ўтказиб, тарғибот, ташвиқот ва тушунтириш ишларини олиб бормоқдамиз. Бўлимимиз ходимларининг нафақат ушбу ойликда, жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида ҳам ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширган ишлари ўз натижасини кўрсатмоқда. Яъни 2004 йилнинг 10 ойига нисбатан таққослаганда туманимизда ёнгинлар оқибатида биронта ҳам фуқаро ҳалок бўлмади (2004 йил

4 та) ва 1 та фуқаро тан жароҳати олди (2004 йил 7 та). Бу борада 5-6-ҲЕҲҚ ўт учирувчилари ҳам ўз хиссаларини қўшиб, содир бўлган ёнгинларни тез ва катта майдонга тарқалишига йўл қўймадан бартараф этишга эришишмоқда.

Олдимизда қишинг совуқ кунлари турибди, қиш мавсумида ёнгин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилсак, ўз уйимизни ва мол-мулкимизни ўт балосидан асраган бўламиз

Ш. МИРСОДИҚОВ,  
Миробод тумани ёнгин хавфсизлиги бўлими инспектори, капитан

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

### ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШИШ БЎЙИЧА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ БАРЧА ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ, ИЖАРА ВА ШИРКАТ ТАШКИЛОТЛАР, ШУНИНГДЕК ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

1. “Тошкент шаҳрида йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссияси” томонидан 2005 йил 22 декабрда Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш транспортда хизмат кўрсатиш учун, шартномалар тузиш ҳуқуқини олиш учун Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй манзили бўйича

#### ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ

2. Очқ тендерда мулкчилик шаклларида қатъи назар, Тошкент шаҳри ҳудудиде рўйхатга олинган, шаҳарда йўловчилар ташиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс қатнашиши мумкин.

3. Очқ тендерга йўналишларнинг қуйидаги пакети қуйилади:

Ўтказиш санаси	Йўналишлар рақами	Йўналишлар номи
2005 йил 22 декабрь	7И	С.Раҳимов метроси — Чилонзор буюм бозори
	19И	Қорасув-1 АШБ — Чилонзор буюм бозори
	35	Литературний инсти — Сергели-7 мавзе
	40	Тошселимаш метроси — Чорсу савдо маркази
	82	Тошкент тиббиёт академияси — Беруний метроси
	85	Учтепа ҳокимияти — Сергели Қурувчилар мавзеси
	90	Беруний АШБ — Юнусобод 15-даҳа
	105	Кадиев АШБ — Қўйлик АШБ
	115	Чкалов метроси — Янгиобод бозори
	165	“Гулистон” маҳалласи — Чорсу савдо маркази
	166	Низомий маҳалласи — Олой бозори АШБ
	59	Дўстлик-2 мавзеси — Карвон бозори
	131	Дўстлик-2 мавзеси — Олимпия мавзеси
2М	Уйгур кўчаси — Юнусобод 10-даҳа	
9М	А.Темур АШБ — Чилонзор 20-даҳа	

4. Очқ тендерда қатнашишни хоҳловчилар “Тошкент шаҳар транспортнинг барча турлари фаолиятини мувофиқлаштириш Маркази”га тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй, 612, 616-хоналар манзили бўйича 21 ноябрдан бошлаб 21 декабрь соат 16.00 гача бюртманоме бериш керак ва тендер ҳужжатлари пакетининг қийматини ва Тошкент шаҳрида транспорт инфратузилмасининг ягона ахборот-таҳлилий маълумотлар базасини яратиш учун бир марталик бадал қийматини шартнома асосида тўлаш керак.

Бюртманомеда Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш ҳуқуқини берувчи лицензия мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши керак.

5. Тендер таклифларини топшириш муддати 2005 йил 21 декабрда.

Тендер таклифлари топширилгандан сўнг қатнашчилар уларга бирон-бир тузатиш киритиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

6. Йўналишларда йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш юзасидан тендер қолиби билан шартнома камиде 6 ойга тузилади.  
Шартнома талаблари бўйича барча бандларига ташувчи томонидан риоя қилинган ҳолларда шартноманинг амал қилиш муддати узайтирилиши мумкин. Маълумотлар олиш учун қуйидаги телефонларга мурожаат этинг: 133-38-89, 133-54-77.

**Спорт**

**ШАХРИМИЗДА  
ЎЗБЕК КУРАШИ  
БАЙРАМИ**

**Хабар берганимиздек, шу ҳафтада — 26, 27 ноябрь кунлари шаҳримиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида кураш бўйича бешинчи жаҳон чемпионати бахслари бўлиб ўтади.**

Албатта, 1998 йил 6 сентябрда Кураш Халқаро ассоциациясининг тузилганлиги, 1999 йил 1-2 майда шаҳримизда ўзбек кураши бўйича дастлабки жаҳон чемпионати беллашувлари зўр муваффақият билан ўтказилганлиги тарих зарваракларига олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилган.

Ўзбек кураши жаҳонга юз тутганидан сўнг ўтган қисқа вақт ичида барча қитъаларда кураш федерациялари тузилиб, ички муسابакалар, қитъа чемпионатлари ҳамда йирик халқаро турнирлар мунтазам равишда ўтказилиб турибди. Ҳозирда Кураш Халқаро ассоциациясига 77 мамлакат кураш федерацияларининг аъзо бўлган, ой сайин уларнинг сони ортиб бораётгани албатта барчамизни тўлқинлантиради.

Қизгин тайёргарлик кўрилатган навбатдаги бешинчи жаҳон чемпионатининг ҳам ўзбек курашининг ҳақиқий байрамига айланиб кетишига шубҳа йўқ. Зеро, унда беш қитъанинг етмишга яқин мамлакатидан 400 га яқин полвонлар ўз маҳоратларини намойиш этиб, галаба учун кураш олиб бориши кутилмоқда.

Польша, Туркия, Грузия, Эрон, Украина, Россия, Бразилия каби кураш ривожланган мамлакатлардан энг номдор полвонларнинг гиламга тушиши, улар орасида жаҳон, Европа, Осиё чемпионатларининг голиб ва совриндорларининг борлиги эса муҳлисларга кўплаб ҳаяжонли дақиқаларни ҳада этади, албатта.

Ушбу чемпионатга мамлакатимизнинг энг кучли курашчилари ҳам жиддий ва пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Муҳлислар Рамзиддин Саидов, Давлат Чориев, Шухрат Муродов, Абдулла Тангриев каби тажрибали полвонларимизга катта ишонч боғлашмоқда. Аёллар баҳсида ҳам тўққизта вазн тоифасида қатнашаётган етакчи кураш усталаримиздан умидимиз катта.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

Мухандис С.Браун бир антиқа лойиҳа устида кўп йиллар бош қотириб юрганида тасодиф юз берди. Бир куни Браун боққа чиққанида минглаб дароҳт ва буталар орасида осилиб ётган ўргимчак толаларига кўзи тушди. Ҳар қанча шамол кучидан бу толалар узулмас эди, шунда муҳандис узун-узун ўргимчак толаларида ўзи ўйлаб юрган осма кўприк лойиҳаси тимсолини кўради, яъни мустаҳкам, бузилмас осма кўприк дунёга келади.

Тухум пўчоғи тахминан 0,3 миллиметр қалинликда бўлиб, турли қаттиқликка эга бўлган 7 қаватдан иборат. Бу қаватларнинг бири мустаҳкамлик берса, иккинчиси тухум ичидаги жониворни микроблардан ҳимоялайди, учинчиси тухум ичига сув киришдан сақлайди. Тўртинчиси эса ўзидан кислотор ўтказида. Шунингдек, тухум пўчоғи тизимида ўта нозик кувирсимон найчалар газ алмашиб жараёнини идора этади.

Шундай қилиб, тухум пўчоғи қават-қават канструкциялардан ташкил топган бетон уйларнинг деворларини эслатади. Бу қаватлар ярим ўтказгичлар сингари ҳаво, газ, сув кабиларни танаб, керак вақтида ўтказида ва тўпланиб қолган газларни ҳам керагида маҳсус йўллар орқали ташқарига чиқаради. Биз яшаб турган бетон уйлар, катта-катта бинолар девори ҳам худди ана шу усулда ишланса эди, кўпдан-кўп муаммолар ўз ечимини топган бўлур эди.

Қорақум чўлларида юмалоқбос деган ювшоғина калтакесак яшайди. Унинг душманлари бениҳоя кўп. Лекин тап-тақир чўлда яшириниш осонми? Юмалоқбос эса бунинг иложини топган. Хавф-хатарни сезган заҳоти бу жонивор узала тушиб ётиб оладида

худди безгак тутаетгандек нуқул қалтирайверади. Натижада кум четга сурилaveraди ва юмалоқбос бир зумда кум остига кириб кетади. Олимлар калтакесакнинг бу хунарини ўрганиб, худди шу тамойил асосида ишловчи қозик оёқ қоқадиган машина, бетон шиббловчи тебратгич яратдилар.

Австралияда яшайдиган кенгуру деган ҳайвонни кўпчилик билади. Конструкторлар ана шу жониворнинг хатти-ҳаракатларини ўрганиш асосида сакраб юрвчи машина моделини ясадилар. Бундай машинанинг афзаллиги

зи бир калтакесакларда ана шундай безлар мавжуд.

Зилзила ва вулкнлар отилиши башариятни азалдан ташвишлантириб келаётган табиий офатлардир. Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳар йили ер юзиде 300 минг марта ер силкиниши содир бўлиб, шундан тахминан 20 таси вайронгарчилик келтирувчи зилзилалардир. Ҳар йили ер юзиде ўрта ҳисобда 10-15 минг киши зилзила қурбони бўлади. Афсуски, ҳозирча биз ер силкинишларини олдиндан пайқайдиган асбобларга эга эмасмиз. Баъзи бир жониворлар эса фалокатни олдиндан сезар экан. Лекин қандай қилиб? Эҳтимол улар инсон қулоғи илғай олмайдиган товушларни эшитар, балки биз сезмайдиган ер силкинишларини улар илғор. Агар олимлар ҳайвонларнинг ана шу сезги механизмланини ошқор этиб, шунча аппаратлар ярата олганларида эди, инсонларга бундан қанчалик наф этишини сўз билан ифодалаш қийин.

Узоқ Индонезиянинг Ява оролидаги тоғларнинг ён-бағирларида наврўзгулнинг нозик бир тури ўсади. У худди биздаги момақаймоқ ёки бўтакўзга ўхшайди. Бошқа гулларга ўхшаб у ҳам маълум бир вақтда очилади. Лекин гоҳо тўсатдан вақтли очилиб қолади. Ер ости гүмбурлашига ўрганиб қолган аҳоли бу гулнинг очилишини вулкн отилишидан дарак берувчи аломат деб билади. Ҳа, вулкннинг ҳаракатга келишидан бир неча соат олдин бу гул дафъатан очилади. Ҳозир олимлар бу антиқа ҳодисанинг сабабини ахтармоқдалар.

**Яҳё ДАВЛАТОВ,**  
**биология фанлари доктори**

**ТАБИАТ ПАТЕНТИ БИЛАН**

**Тирик табиат инсонларга, жумладан қурувчиларга доимо ижодий изланиш манбаи бўлган бинобарин, барча меъморчилик масалаларини ечишда ёрдам берган. Тухум пўчоғи, моллюска чиганоти, дароҳт шохи, ўсимлик гули нафақат чиройи, гўзаллиги билан балки тузилиши ва мустаҳкамлиги билан ҳам кишини ҳайратда қолдирган.**

шундаки, уни бошқа машиналар юриши мумкин бўлмаган жойларда ҳам бемалол ҳайдаб кетаверса бўлади.

Маълумки, Ер кўррасининг учдан икки қисми сувдан иборат бўлгани ҳолда дунёдаги энг тараққий қилган мамлакатлар сувсизликдан ниҳоятда қийналади. Ҳозирча шўр сувларни чучитиш қийин муаммолардан бўлиб турибди. Аникроғи, шўр сувни чучитиш харажатлари оддий сув сарф-харажатларидан 30 қарра қимматга тушмоқда. Бунинг устига-устак бундай сув том маънода тоза бўлиб, унинг таркибида организм учун керак бўладиган табиий тузлар бўлмайди. Ҳолбуки, баъзи бир жониворлар таналаридаги маҳсус безлар ёрдамида шўр сувни бемалол чучук сувга айлантириб ичаверадилар. Балиқчи кушлар, пингвинлар, денгиз тошбақалари, денгиз илонлари ва баъ-

мланини ошқор этиб, шунча аппаратлар ярата олганларида эди, инсонларга бундан қанчалик наф этишини сўз билан ифодалаш қийин.

**Мамлакат чемпиони «Пахтакор» жамоаси Ўзбекистон Кубоғи беллашувларини ҳам кўтарини руда ўтказиб ажойиб галабаларга эришмоқда ва ўз муҳлислари кўнглини шод этмоқда.**

**Футбол**

**«ПАХТАКОР» — ФИНАЛДА**

Наманганда «Навбахор» жамоаси билан Ўзбекистон Кубоғи ярим финал учрашувининг биринчи баҳсида 4:4 ҳисобидаги натижани қайд этган «Пахтакор»да финалга йўлланма олиш учун қулай имконият пайдо бўлганди. Гап шундаки, Тошкентда ўтадиган иккинчи учрашувда пахтакорчиларни ҳатто энг кичик ҳисобдаги дуранг натижа ҳам қаноатлантирарди. Аммо, мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан бири ҳисобланган «Навбахор» ҳоҳ чемпионат ўйинларида бўлсин, ҳоҳ кубок беллашувларида «Пахтакор»га доимо муносиб қаршилик кўрсатган. Шу боис ҳам «Пахтакор» марказий стадионидаги баҳс шиддатли кечади, дея тахмин қилинганди. Бирок, жорий йилги мавсумни ҳам аъло даражада ўтказган тошкентликлар биллур соврин учун уштираётган учрашувларда ҳам рақибларидан ҳар томонлама устун эканликларини исботлашмоқда. Дарҳақиқат, Тошкентдаги учрашув очиги, фақат «Пахтакор» устунлигида ўтди. Майдон марказини эгаллаб, тўп билан эркин ҳаракат қилиб, жамоадошига тўпни аниқ етказиб, меҳмонлар дарвозаси олдида кетма-кет хавфли вазиятлар содир эта олган Равшан Ҳайдаров шогирдлари беллашувни 3:1 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал эта олишди. Дарвоқе, учинчи дақиқада «Навбахор» жамоаси футболчилари ҳужумини қайтараман, деб ўз дарвозасини «Пахтакор» ҳимоячиси Гочкулиев аниқ нишонга олган бўлсада, меҳмонлар 1:0 ҳисобидаги ана шу устунлиқни сақлаб қола билмадилар. Пахтакорчилардан Копадзе, Байрамов, Солиев томонидан киритилган чиройли голлар баҳсининг 3:1 ҳисобида чемпион галабаси билан ақуналишини таъминлади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, Ўзбекистон Кубоғи финалига йўлланма олган «Пахтакор» 26 ноябрда «Нефтчи» жамоаси билан биллур соврин соҳиблигини қўлга киритиш мақсадида беллашади.

**Акбар Йўлдошев**

**Мунажжим башорати**

**ХУШБАБАРЛАР,  
ҚУВОНЧЛИ ВОҚЕАЛАР**

**25 НОЯБРЬ, ЖУМА**

Жуда фаол кунлардан бири — ҳозир бўшлаган ишингизни тўла галабага охирига етказишингиз шарт. Ҳеч қандай шубҳаларга берилмаслик керак. Чалқашиб кетган барча муаммолар ечимини топадиган, ҳақ иш ҳимоя қилинадиган кун — мунажжимлар бугунги кунни шундай кескин тавсифлашган.

Ҳар қандай иш сиздан жуда катта куч талаб қилади. Шунинг учун бемор, дармонсиз кишилар бугун уйда қолиб, рўзгор ишлари билан банд бўлганлари маъқул. Қарзларингизни узишингиз бугун хайрли бўлади. Эски ишларингизни охирига етказиб, олдинги хатоларингизни туза-тишингиз ҳам омадингиз юришишига хизмат қилади. Таваккалчиликка йўл қўйманг, қабих ҳаёлларга, жаҳлатга берилманг — жаҳлат анги жаҳлатнинг туғилишига олиб келади, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, ҳар қандай қўл меҳнати билан шугулланиш самарали бўлади.

Ўткир маъдан буюмини топшингиз — муаммоларингиз ҳал бўлишига ишора, шамолдан деразангизнинг очилиб кетиши анги ҳаётни бошлашингизни билдирди. Лекин тишингиз тушиши, тирноқингиз синиши ёхуд кийимнинг йиртилиши но-хушлиқлардан огоҳлантиришдир.

Тушингизда алғов-далғовларни қурсангиз — чалқаш ишларингиз ечимини топади.

Бугун жарроҳлик муолажалари (қаттиқ зарурат бўлмаса) ман этилади. Дағал ва баҳазам таомлардан ўзингизни тортинг.

Сарик ҳамда зарғалдоқранг кийимлар бугунги кун руҳига кўпроқ мос келади. Қора ва қулранг либосларингизни унутиб турганингиз маъқул.

**БУГУН:**

- бошлаган ишларингизни давом эттириш;
- ҳасаддан ҳоли ҳавасни намоян этиш;
- қўнг билан ўқиш ёки ишлаш, ўз ваъда ва вазифаларингизни сикдикдилан, ҳалол бажариш;
- маълумотномалар, дарслиқлар, қўлланмалар, идора ашёлари, дискетлар ва кассеталар, ўйинчоқлар ва бошқа керакли нарсаларни харид қилиш;
- турли муаммоларни ҳал этишда оқилана йўл тутишига интилиш;
- электрон ва компьютер ўйинларини эрмак қилиш, аммо ҳаддан зиёд берилиб кетмаслик тавсия этилади.

Китоб мутолаасига қаттиқ берилиб кетиб, миангизни чарчатиб қўйишдан ўзингизни эҳтиёт қилинг.

 <p><b>Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ</b></p> <p>Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32</p> <p>Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги</p>	<p><b>ТЕЛЕФОНЛАР:</b> хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65; факс: (3712) 133-21-56.</p> <p>Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 2495 нусхада босилди. Қоғоз бирими А-3</p>	<p>Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.</p> <p>Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр қўрсатқичи — 563</p>	<p>Нашрин етказиб бериш масалалари бўйича тувар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтатини»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.</p> <p>Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.</p> <p>«Шарқ» нашриёт-матбос оқшидорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.</p>
--	---	--	---